Ушбу сонда:
2 ҲАҚ-ҲУҚУҚИМИЗНИ БИЛАЙЛИК, УНИ ҲИМОЯ ҚИЛА ОЛАЙЛИК
3 TV - ДАСТУРИ
4 ИНСОНДАН ЯХШИЛИК, НУР ВА РАВШАНЛИК...

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ. OʻZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI. FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN. ОЛИЙ БАХТ

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 3 июн, шанба №79 (911)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Бухоро вилояти Ғиждувон шаҳрида «Соғлом авлод соғлом муҳитда шаклланади» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда Бош вазир ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Ғуломова мамлакатимизда оила, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоялаш, ўсиб келаётган ёш авлодни жисмонан ва маънан камол топтириш, «Соғлом авлод» давлат дастурини изчил амалга ошириш борасида хотин-қизлар қўмиталари ва жамоат ташкилотлар олдида турган вазифалар тўғрисида гапирди.

Анжуман қатнашчилари ғиждувонлик ҳунарманд аёллар тайёрлаган халқ амалий санъати буюмлари кўргазмасини кўздан кечирди.

(ЎзА)

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2 июн куни Оқсарой қароргоҳида Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг амалдаги раиси, Австрия Республикаси таш-қи ишлар вазири Бенита Ферреро-Вальднер раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

- Ўзбекистон ЕХҲТ билан ҳар томонлама алоқаларни кенгайтиришдан манфаатдордир, - деди Ислом Каримов учрашувда.- Мамлакатимиз мазкур халқаро ташкилот доирасидаги тадбирларда фаол иштирок этиб келмоқда.

Б.Ферреро-Вальднер Ўзбекистонга ташрифи муваффақиятли кечаётганини таъкидлади. Чунончи, мазкур ташриф асносида мамлакатимиз раҳбарияти билан ҳам ЕХҲТ, ҳам Австрия ўртасидаги алоқаларга доир масалаларни муҳокама қилиш имконияти туғилганини қайд этди. Жумладан, шу куни эрталаб Ташқи ишлар вазирлигида Ўзбекистон билан Австрия ўртасида сармояларни рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисида имзоланган битимни юқори баҳолади.

Учрашувда Ўзбекистон билан ЕХҲТ ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш борасидаги масалалар муҳокама қилинди.

(ЎзА)

***Шу йилнинг октябр ойигача Имом ал-Мотуридий дафн этилган Чакардиза қабристонида мақбара барпо этилади, теварак-атроф ободонлаштирилиб, зиёратгоҳга олиб борадиган йўллар тартибга келтирилади. Бундан ташқари аллома номи билан боғлиқ обидалар таъмирланиб, тикланиш ишлари рўёбга чиқарилади.***

Ана шундай саъй-ҳаракатлар туфайли Самарқанднинг асрий қадамжолари ўзининг сир-асрорини оча бошлади. Ўзбекистон Фанлар академияси археология институти олимлари шаҳарнинг шарқий қисмида IX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб шаклланган Чакардиза қабристонида кенг кўламдаги тадқиқот ишларини олиб боришаяпти.

## АЛЛОМАЛАР РУҲИ КЕЗАР БУ ЕРДА

— Тарихий манбаларга қараганда бу қабристонда машҳур алломалар - Абу Мансур Мотуридий ва Бурхониддин Марғинонийлар дафн этилган, - деди институт олими, тарих фанлари номзоди Амриддин Бердимуродов. - Бир гуруҳ ходимларимиз топилаётган қабр тошлар, мақбара пойдевори йўлакларини ўрганиб, дафн этилган шахсларни аниқлаш, уларнинг номларини абадийлаштириш, шу билан бирга 1200 йил муқаддам Самарқанд маданияти қай даражада эканлигини билишга интилаяптилар.

## БОЛАЛАР ҚУВОНЧИ ОЛАМНИ ТУТСИН

«Соғлом авлод йили» муносабати билан жойларда келажагимиз ворислари бўлган болаларни жисмонан бақувват, ақлан баркамол қилиб тарбиялаш ишларига катта аҳамият берилмоқда.

«Ўзсаноатқурилишбанк»нинг «Нодирабегим» филиали меҳнат жамоасида ҳам бу масалага жиддий эътибор қаратилаётир.

Яқинда ёш томошабинлар театрида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган катта тадбир ўтказилди. Филиал касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан ўтказилган бу тадбирда жамоа ишчи-хизматчиларининг турли ёшдаги 170 дан ортиқ фарзандлари иштирок этишди. Болажонлар шу куни мириқиб рақсга тушдилар, шеър ва топишмоқлар айтдилар. Уларнинг энг топқирлари турли ўйинчоқлар билан мукофотландилар. Сўнгра ота-оналари билан биргаликда «Бор эканда, йўқ экан» эртагини мириқиб томоша қилдилар. Томошадан сўнг ҳар бир болага совғалар тарқатилди.

— Эртанги кунимиз тақдири бугунги болажонларнинг соғлом ва баркамоллигига кўп жиҳатдан боғлиқ,- дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Зулхумор Ваҳобова.— Шу сабабли улар тарбиясига жиддий эътибор қаратиш биз катталарнинг бурчимиз. Бирорта байрамда болаларни ёддан чиқармаймиз. Улар учун алоҳида байрам тадбири ўтказилиб, турли кўрик-танловлар, расмлар кўргазмалари ташкил этилади.

Болаларнинг ёзги дам олишларини мароқли ўтказишларига бу йил ҳам алоҳида меҳрибонлик кўрсатмоқдамиз. Оқтошдаги болалар оромгоҳларига йўлланмаларимиз бор. Ота-оналардан тушган аризаларга биноан уларни тарқатамиз.

Муҳими шу куни болалар бир олам қувонч билан уйларига қайтдилар.

**Муборак МИРКАМОЛОВА.**

***Мамлакатимизда бугунги кунда бозор иқтисодиёти қонунларига мос банк тизими яратилди. Миллий валютамизнинг муомалага киритилиши, унинг қадрини ошириш, эмиссияни қисқартириш, инфляцияни жиловлаш борасидаги муайян натижалар ютуқларимизнинг бош мезони бўлиб турибди.***

## ТАДБИРКОРЛАРГА КРЕДИТЛАР БЕРИЛДИ

Бу борада «Ўзтадбиркорбанк» акциядорлик тижорат банки Жондор тумани бўлими бошқарувчиси Очил Шарипов шундай мулоҳаза юритади:

— Жорий йилда туманда фаолият кўрсатаётган 532 нафар мижозларга қисқа муддатли имтиёзли кредит маблағлар ажратилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи 12 та фермер хўжаликларига 13 миллион сўмлик қарз берилди.

«Истиқлол — 98» машина-трактор парки ҳам имтиёзли қарзи эвазига хорижда ишлаб чиқарилган «Максум» техникасини сотиб олди. «Ташаббус-2000» танлови ғолиби, «Ғайратали» фермер хўжалиги бошлиғи Р.Шарипов ва «Дилором» фермер хўжалиги бошлиғи М.Ҳожиевлар ҳам банкимизнинг доимий мижози ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда Республика Адлия вазирлигининг 2000 йил 29 февралдаги 902-903-қарорига кўра кичик ва ўрта бизнес субъектлари, фермер хўжаликларига миллий ва чет эл валютасида имтиёзли кредитлар ажратиб, уларни маблағ жиҳатдан ҳимоялаб бормоқдамиз. Бундан ташқари, туманимизнинг «Истиқлол» ва«Варахша» ширкат хўжаликлари ҳудудида фермерлик фаолияти билан шуғулланаётган 100 дан зиёд тадбиркорларга янада яхшироқ, намуналироқ хизмат кўрсатиш учун ҳудудий банк бўлимини очишни кўзлаб турибмиз. Мақсадимиз буюк яратувчанликка ҳисса қўшаётган тадбиркорларга намунали хизмат кўрсатишдан иборат.

*«Ғалла-2000»*

## ПУДРАТЧИЛАР ИБРАТИ

Ғиждувон тумани С.Айний номли жамоа хўжалиги пудратчиси Марҳабо Жалолова 4,5 гектар майдонга ғалла эккан эди. Куни кеча у қабул пунктига 24 тонна дон топшириб, шартнома режасини ошириб уддалади. Ҳосилдорлик ўртача 53 центнерни ташкил этди.

Аммо мўл ҳосил етиштиришда ҳозирча Бухоро туманидаги «Ўрта Осиё» ширкат хўжалиги пудратчиси Ҳусен Файзуллаев пешқадам. У 6 гектар арпа майдонининг ҳар гектаридан шартномадаги 44 центнер ўрнига, 76 центнердан ҳосил кўтарди. Пудратчи Акбар Саломов ҳам арпа ҳосили чўғини 73 центнерга етказиб, қишлоқдоши Ҳусен Файзуллаевдан қолишмаслигини исбот қилди.

Шу кунларда Бухоро вилояти ғаллазорларида ўрим-йиғим қизғин паллага кирган. Ҳозиргача 2 минг гектардан ошиқ майдондаги ғалла ўриб олинди. Вилоятда ўртача ҳосилдорлик қарийб 38 центнерни ташкил этяпти.

***Яқинда «Қизил ярим ой» жамиятининг Нурота туман Кенгаши Американинг «Қизил хоч» жамияти томонидан юборилган 20 тонналик инсонпарварлик юкларини қабул қилиб олди. Олий навли ун, гуруч, ловия сингари озиқ-овқат маҳсулотлардан 25 нафар ногиронлар, 40 нафар қаровсиз, 267 нафар кам таъминланган ва кўп болали оилалар баҳраманд бўлдилар.***

## ЧИРОЙ ОЧАЁТГАН ШАҲАР

Шу йилнинг январ ойида ҳам ушбу жамиятдан шундай туҳфа олинган эди.

— Жорий йилнинг ноябр ойида 75 йиллигини нишонлайдиган «Қизил ярим ой» жамияти меҳр-шафқат, маънавий ва тиббий хизмат кўрсатиш, ёшлар билан ишлаш, фавқулодда вазиятларда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, қидирув олиб бориш ишлари билан шуғулланмоқда, - деди жамиятнинг туман Кенгаши раиси Жаббор Раҳмонов. - Ҳар икки жамиятни инсонпарварлик ғоялари бирлаштириб турибди. Жамият раиси, машҳур Нобелнинг набираси Нина Нобел хоним ўтган йил охирларида туманимизга ташриф буюриб, қадимий ва навқирон Нурота шаҳри билан танишган эди.

## ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИК ЖИҲОЗЛАР

«Янгийўлёғ - мой» ҳиссадорлик жамиятида ўрнатилган технологик линияларни ишга туширишда четдан келтирилган замонавий жиҳозлар ҳам қўл келди. Бугунги кунда корхонада Германиядан олиб келинган техникалардан ҳам унумли фойдаланилмоқда.

Ўзаро келишувга биноан корхона яна қатор немис техник жиҳозларига эга бўлади. Гап шундаки, ҳиссадорлик жамиятида пахта ёғини қўшимча тозалаш ва стерилизация қилиш бўйича янги технология ишлаб чиқилди. Шу муносабат билан корхонада махсус линияни йиғиш ва фойдаланишга топшириш тадбирлари кўрилмоқда. Ана шу жараёнда Германиядан келтириладиган техник жиҳозлар кўплаб ишлатилади.

*«Ишонч»га жавоб берадилар*

## «ФЕРМЕР ЭҲТИЁЖИ ҲИСОБГА ОЛИНСИН»

***Газетамизнинг шу йил 14 апрел сонида юқоридаги сарлавҳа остида мақола босилган бўлиб, унда бир фермернинг иш юритишида тўсиқ бўлаётган қийинчиликлар, таклиф ва мулоҳазалари баён этилган эди.***

***Ушбу мақола юзасидан Қизилтепа туман ҳокимлигидан қуйидаги жавоб олинди:***

— Мақола туман ҳокимлиги йиғилишида қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи ташкилот раҳбарлари ва тегишли мутахассислар иштирокида атрофлича ўрганиб чиқилди.

Ҳақиқатан ҳам 1999 йилда қўшни Бухоро вилоятидаги «Когон» ёғ-мой заводи ҳамда фермерлар уюшмаси томонидан ажратилган шулха ва кунжара маҳсулотларини олишда бир қатор қийинчиликларга дуч келинди.

Айни пайтда фермер хўжаликларининг шартли мол бош сони ҳисобга олиниб, уларга туман Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ҳамда фермерлар уюшмаси томонидан белгиланган меъёр асосида омухта ем ажратилмоқда.

Фермер хўжаликларига ажратилган омухта емни тўлиқ олишни таъминлаш мақсадида туман ҳокимлиги томонидан «Когон» ёғ-мой заводига доимий равишда вакил биркитилди.

Айни пайтда туман ун заводи томонидан ишлаб чиқарилаётган омухта ем маҳсулотлари ҳам фермерларга тарқатилаётир.

Туман ҳокимлиги фермер хўжаликларида чорва моллар бош сонини ва маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш юзасидан ҳам тегишли чора-тадбирларни кўрмоқда.

**Ф.ОСТОНОВ,**
**Қизилтепа туман ҳокимининг биринчи ўринбосари.**

*2000 йил - Соғлом авлод йили*

## ДЕҲҚОН ФАРЗАНДИНИНГ ЁЗГИ ТАЪТИЛИ

***«Фарзандларининг келажаги, маънавияти, саломатлиги ҳақида қайғурадиган халқнинг истиқболи буюкдир». Бу гапни ҳурматли Президентимиз кўп бор такрорладилар. Зеро, бу ҳикмат ҳаётда ўзининг исботини топган. Масалан, японлар урушдан оғир аҳволда чиққанларига, турмушлари ғоят ночор бўлганига қарамасдан ёшлар таълим-тарбиясини, уларнинг илм-фанларни чуқур эгаллашларига эришишни ўзлари учун бош вазифа сифатида белгилаган эдилар. Бунинг самарасини дунё кўриб турибди. Шу боисдан мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ ёш авлод камолоти учун эътибор кучайтирилди. Буни ҳар қадамда, ҳар жабҳада кўриб, ҳис қилиб турибмиз. Жумладан, вилоят тармоқ қўмитамиз ҳам ушбу эзгу мақсад йўлида зарур чораларни кўрмоқда.***

Бола тинч, соғ-саломат экан, шубҳасиз, ота-онанинг кўнгли хотиржам бўлади. «Соғлом авлод йили»нинг бош мақсади ҳам аслида ана шунга қаратилган. Бинобарин, келажагимиз эгаларининг осуда осмон остида баркамол вояга етишлари учун зарур шарт-шароитни яратиб бериш жамиятнинг асосий вазифаларидан саналади. Хўш, қишлоқ болаларининг ёзги таътилларини кўнгилли ўтказишлари учун вилоят тармоқ қўмитасида қандай ишлар қилинмоқда?

Чунончи, ўтган йилги ёзги соғломлаштириш мавсумида тармоққа қарашли болалар оромгоҳларида 12460 ўғил-қиз дам олишган эди. Шундан 10994 нафар бола кам таъминланган ва кўп болали оилага тегишли бўлиб, уларнинг шарт-шароити ҳисобга олиниб, бепул соғломлаштирилдилар ёки бошқачасига айтганда, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, Чуст пахта тозалаш корхонаси ҳамда жамоа ширкат хўжаликлари томонидан берилган йўлланмаларнинг ота-оналар тўлайдиган қисми улар ишлаётган ташкилотлар ҳисобидан қопланди. Бундан ташқари, вилоят «Меҳрибонлик уйи»нинг 130 тарбияланувчиси ҳам Косонсой туманидаги «Олмазор» оромгоҳида бепул дам олишди. Шунингдек, вилоят тармоқ қўмитаси томонидан Чуст ва Косонсой туманларида меҳнат-роҳат оромгоҳлари, Тўрақўрғон ва Учқўрғон туманларида мактаблар қошида кундузги оромгоҳлар очилиб, уларда ҳам 1021 нафар ўқувчи-болаларнинг ҳордиқ чиқаришига эришилди.

Амалдаги йилда ҳам олдинги йилларда бу йўналишда тўпланган тажрибаларимиздан кенг фойдаландик. Биринчи навбатда, оромгоҳларни мавсумга тайёрлаш, уларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш масалаларига аҳамият кучайтирилди. Бу соҳада Ҳамид Олимжон номли, Поп туманидаги Абдулла Набиев номли, «Шодлик» болалар оромгоҳларида амалга оширилган ишлар мақтовга сазовордир. Мингбулоқ туманидаги «Мустақиллик», Чуст туманидаги «Сўлим», «Тонг», «Ғунча» оромгоҳларида таъмирлаш ишлари муддатидан аввал тугалланди. Уйчи туманидаги Ҳамид Олимжон номли, Чортоқ туманидаги «Шодлик», Поп туманидаги А.Набиев номли оромгоҳларни мавсумга созлаш туман ҳокимликларининг ташаббуслари билан ҳашар усулида амалга оширилди. Бу эса шу мақсад учун ҳар йили сарфланиб келинган катта ҳаж-мдаги маблағларни иқтисод қилиб қолиш ва уларни болаларни соғломлаштириш борасидаги бошқа йўналишларга ишлатиш имконини берди.

Оромгоҳларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларига талабини тўлароқ қондириш йўлида бир мунча ишлар қилинди. Поп тумани ҳокимлигининг қарорига кўра А.Набиев номли оромгоҳ учун 3 гектар ер майдони ажратиб берилди. Бу ерда оромгоҳ маъмурияти турли экинларни етиштириб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мўл-кўллигини таъминламоқда, ҳам қурилиш ва ободончилик учун даромад олиш чораларини кўрмоқда. Шунингдек, бу ерда 400 тупдан ортиқ мевали дарахт кўчатлари экилиб, боғ яратилди. Ҳамид Олимжон номли, «Соҳил» ва бошқа бир қатор оромгоҳларга ҳам деҳқончилик қилиб, ўзларининг моддий-техника базаларини мустаҳкамлашлари учун ер майдонлари ажратиб берилди.

Маълумки, оромгоҳлар намунали фаолият кўрсатиши учун биринчи навбатда белгиланган миқдорда озиқ-овқат захираси билан таъминланиш талаб этилади. Бу борада туман ҳокимликлари, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ҳамда касаба уюшмалари қўмиталари иштирокида оромгоҳлар ва хўжаликлар ўртасида шартномалар тузиб чиқилди. Ўз навбатида вилоят тармоқ қўмитаси билан «Наманганғўштсут саноат» бирлашмаси ўртасида маҳсулот етказиб бериш бўйича шартномалар имзоланган. Шубҳасиз, бу ҳуқуқий ҳужжат маҳсулотларнинг ўз вақтида етказиб берилишини таъминлайди.

Ишончимиз комилки, вилоятимиз деҳқонларининг фарзандлари ёзги таътилларини ҳар йилгидан ҳам мазмунли ва кўнгилли ўтказадилар.

Бу эса «Соғлом авлод йили»да фидойи деҳқонларга ва уларнинг фарзандларига арзигулик совға бўлади, деб ўйлаймиз.

**Фазлиддин ПАЁЗОВ,**
**Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилоят қўмитаси раиси.**

*5 июн — Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни*

# ОРОЛНИ ҚУТҚАРИШ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Орол денгизи ва унинг атрофида юзага келган экологик танглик XX асрнинг энг катта фожеаси бўлиб, уни бартараф этиш бутун жаҳон ҳамжамиятлари олдида турган долзарб муаммодир. Кейинги 1960-1999 йиллар давомида денгиз сувининг ҳажми қарийб 4 баробар камайди, сув сатҳи 17 метрга пасайди, шўрланиш даражаси 3 баробар ортди, денгиз суви 1969 йилги қирғоғидан 150-160 км масофага чекинди. Денгиз чекинган ерлар заҳарли кимёвий моддалар ва тузлар билан қопланди. Натижада минтақадаги иқлим шароити ўзгармоқда, фауна ва флоранинг турлари камаймоқда.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда Орол бўҳронига катта эътибор билан қаралмоқда. Ҳозирги вақтда Оролни қутқариш халқаро жамғармаси ва унинг давлатлардаги бўлинмалари фаол иш олиб бормоқдалар. Унга жамғарма таъсисчилари бўлган давлатларнинг маблағлари, шунингдек, техник ёрдам кўрсатувчи давлатларнинг мутахассислари ва экспертлари жалб этилган.

Германия ҳукуматининг Таълим ва техника вазирлиги ЮНЕСКО билан ҳамкорликда 1992-1995 йилларга мўлжалланган лойиҳани муваффақиятли амалга оширганлиги натижасида сувни биологик усулларда тозалаш, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалигида фойдаланилган питицид ва минерал ўғитларни атроф-муҳитга таъсирини аниқлаш ва бошқа масалаларда ижобий ютуқларга эришилди. Қозоғистон, Ўзбекистон ва Россия Федерациясидан 130 дан зиёд олимлар ва мутахассислар ҳамкорликда Орол муаммоларини ҳал этишга бағишланган 22 лойиҳани тайёрлаб, ниҳоясига етказдилар. Шу давр мобайнида Мўйноқ шаҳри яқинида ва Каратерин посёлкасида (Қозоғистон) гидрокимёвий ва гидробиологик марказ ташкил этилиб, улар Германия ҳукумати томонидан тегишли асбоб-ускуналар билан тўла жиҳозланди. Булар — узоқ муддатга мўлжалланган тадбирларнинг биринчи босқичи эди. Иккинчи босқичи 1996-1999 йилларга мўлжалланган бўлиб, унда тадқиқот олиб бораётган олимларга моддий ва амалий ёрдамни кучайтириш, уларнинг уюшқоқлигини таъминлаш кўзда тутилганди. Шу йил 10-16 май кунлари Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида Германия ҳукумати ва ЮНЕСКО мадади билан ташкил этилган семинарда охирги уч йил (1996-1999 йиллар) давомида Қозоғистон, Ўзбекистон ва Россия Федерацияси олимлари, мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган 20 та лойиҳа муҳокама қилинди. Мазкур лойиҳаларда Орол бўйидаги долзарб экологик муаммолар, жумладан, сув ва ер экотизимининг ифлосланиши, биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш, дарё оқимларини тартибга келтириш, тўқайзорларнинг биологик мажмуаларини тиклаш, Орол суви чекинган майдонларда фитомелиоратив тадбирларни ривожлантириш, шўр босган ерларни ўзлаштириш ва улардан фойдаланиш масалалари таҳлил этиб берилган.

Ушбу семинарда Германия ҳукумати Таълим ва техника вазирлиги, Бонн шаҳридаги илмий-тадқиқот маркази раҳбарлари, Гамбург, Биел Филд университетлари, география институти олимлари ва ирригаторлари фаол иштирок этдилар. ЮНЕСКОнинг Тошкент ва Алматидаги бюро раҳбарлари ҳам ўз ваколати доирасида қатнашдилар.

Семинарда Оролни қутқариш Халқаро жамғармасига қўшилган давлатларнинг элчихона вакиллари, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раҳбарлари, ботаника, зоология, география институтлари олимлари ҳам фаол иштирок этдилар. Шунингдек, семинарда сув ва ер ресурсларидан фойдаланиш ва уларни оқилона бошқаришнинг экологик ташкилий, қонуний ва иқтисодий жиҳатлари юзасидан янги лойиҳаларни маблағ билан таъминлаш масалалари муҳокама қилинди. Семинар қатнашчилари муҳокама этилган барча масалалар бўйича тегишли тўхтамга келдилар.

Ушбу семинар — Орол муаммоларига ижобий ечим топишда олдинга қўйилган муҳим қадам бўлди.

**Содиқ МЎМИНОВ.**

# ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

### Саволингизга ҳуқуқшунос Насиба Тиллахўжаева жавоб беради

***САВОЛ: Ер солиғи бўйича кимларга имтиёзлар берилади? Шу ҳақда тушунча берсангиз.***

**А. Абдураҳмонов, Асака тумани.**

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 102-модда 3-қисмига асосан қуйидаги жисмоний шахслар ер солиғидан озод қилинадилар:

1) яйлов чорвачилигининг чўпонлари, йилқибоқарлари, механизаторлари, ветеринар врачлари ва техниклари, бошқа мутахассислари ва ишчилари;

2) «Ўзбекистон Қаҳрамони», «Совет Иттифоқи Қаҳрамони», Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлганлар, учала даражали Шуҳрат ордени билан тақдирланганлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари;

3) хизматни Афғонистон Республикасида ва жанговар ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган қўшинларнинг чекланган контингенти таркибида ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар;

4) ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари — хизмат муддатига;

5) I ва II гуруҳ ногиронлари;

6) ёлғиз пенсионерлар;

7) боқувчисини йўқотган кўп болали оилалар;

8) концентрацион лагерларнинг собиқ ёш тутқинлари, Чернобиль АЭСидаги фалокат оқибатларини тугатишда иштирок этган шахслар;

9) кўчириб келтирилган фуқаролар келиб жойлашган ҳудудда ер участкалари берилган вақтдан эътиборан беш йилгача.

Юқорида белгиланган имтиёзлар якка тартибда уй-жой қуриш ва шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган нормалар доирасида ер участкалари берилган жисмоний шахсларга нисбатан татбиқ этилади.

Ўзбекистон Республикаси Ер Кодексининг 27-моддасига асосан шаҳарлар ва поселкаларда, шунингдек, қишлоқ ҳамда ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг эгалигидаги ерлар таркибига кирмаган қишлоқ аҳоли пунктларида доимий яшаб турган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар бир оилага 0,06 гектаргача ер участкалари берилади.

Бундан кўриниб турибдики, ер солиғи бўйича бериладиган имтиёз фақат 0,06 гектаргача татбиқ этилади.

Борди-ю томорқа учун ажратилган ернинг миқдори 0,15 гектар бўладиган бўлса, 0,06 гектари чегириб ташланиб, қолган 0,09 гектари ер солиғига тортилади.

## Янги қўшма корхоналар

Кегейли туманида чет эл сармояси ҳисобига қўшма корхоналар барпо этиш бўйича муҳим ишлар бажарилмоқда. Жумладан, Бельгиянинг «Велекс» фирмаси билан «Халқобод момиғи» ҳиссадорлик жамияти ўртасида пахта чиқитидан брезент тайёрлайдиган қўшма корхона қуриш бўйича шартнома имзоланди. Бу ерда йилига 50 минг квадрат метр брезент ишлаб чиқарилади. Шунингдек, Украинанинг «Караммаш» ҳиссадорлик жамияти билан «Паракат» саноат савдо корхонаси ҳамкорликда керамика маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган янги корхона барпо этмоқда.



Бўка туманидаги «Бахмал» ширкат хўжалиги кумуш тола ижодкорлари 3610 килограмм сифатли пилла топшириб, режани уддалашди. Хўжалик аъзолари яна 200 килограмм қимматли хом-ашё етказиб беришга аҳд қилдилар.

Суратда: илғор бригада бошлиғи Матлуба Мусаева.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

## *Ижтимоий ҳимоя*

## НОГИРОНЛАРГА ДОРИ-ДАРМОН

***Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти Китоб тумани бўлимида хайрли ишлар амалга оширилаётир. Кам таъминланган оилаларга мурувват кўрсатилиб, уларнинг кўнглини олаётган жамият аъзолари яқинда яна бир хайрли ишни амалга оширдилар. 60 нафар муҳтож, кўп болали оилаларга Даниядан келтирилган инсонпарварлик ёрдами —1,5 тонна турли озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.***

*Жамиятда фаолият кўрсатаётган ҳамширалар тез-тез хонадонларда бўлиб, кексалар ҳолидан хабар олиб туришади. Айни пайтда уч нафар ҳамширага маҳаллалардаги ёлғиз, кам таъминланган оилалар бириктилган.*

*Масалан, Барно Умаровага 10 нафар ёлғиз қария бириктилган бўлиб, у асосан Дўнг қишлоғи, шаҳардаги Халқлар дўстлиги маҳалласидаги кексаларнинг яқин ҳамкори ҳисобланади. Ҳамшира Марҳамат Исматова эса Янгиобод, Собир Раҳимов, Акмал Икромов номли маҳалла қариялари ҳолидан хабар олиб туради.*

*— Мен Улуғбек номли хўжаликнинг Сурун қишлоғида яшайман,- дейди II гуруҳ ногирони Дилором ая Жўраева.- Боқувчим йўқ. 4 нафар фарзандим бор. Яқинда Қизил ярим ой жамияти раиси чақиртириб мен учун турли неъматлар ажратилганлигини айтдилар. Ҳамшира Нилуфар Шойимова эса ҳамиша ҳолимдан хабар олиб туради.*

*Жамият аъзолари яқинда 50 нафар кам таъминланган оилаларга зотдор жўжаларни имтиёзли нархларда тарқатишди.*

**Шавкат СУЛТОН, «Ишонч» мухбири.**

## ҒАЛЛАКОРЛАРГА «ТИКО», ТЕЛЕВИЗОР

Сурхондарёнинг суғориладиган ғалла майдонлари деярли касалликка чалинмади. Ҳосил ҳам кутилганидан зиёда бўлиши кутилмоқда. Вилоятнинг жанубий туманларида ўрим қизғин бормоқда. Жарқўрғон туманидаги «Халқобод» жамоа хўжалигида давлатга ғалла топшириш йиллик режаси тўрт иш кунда бажарилди. 6 та «Кейс» русумли ўрим комбайнлари катта қувват билан ишлаб, зафарни таъминладилар. Хўжаликнинг тадбиркор деҳқонлари мамлакат омборига 1400 тонна сара дон топширишди. Ҳали ғалланинг ҳаммаси ўрилгани йўқ. Ғаллакорлар яна 100 тонна дон топширмоқчи. Бу шунчаки ваъда эмас, балки амалда шундай имконият бор. Хуллас, халқободликлар бу йил мамлакатимизнинг пешқадам ғаллакорлари сифатида тилга тушдилар. Айтганча, ғолиб «Халқобод» жамоа хўжалиги туман ҳокимининг «Тико» енгил автомашинаси ва вилоят ҳокимининг рангли телевизори билан мукофотланди.

*Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик*

# ОҒИШ НУҚТАСИ

Жиззах вилоят Касаба уюшмалари кенгашига Зомин туманидаги «Ширин» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Холмўмин Холбўтаев имзоси билан хат келди. Унда туман ҳокими томонидан йиғин раисининг ҳақ-ҳуқуқи поймол этилиб, ноқонуний ишдан бўшатилгани маълум қилиниб, вилоят кенгашидан ёрдам сўралган.

Таҳлиллардан маълум бўлишича, туман ҳокими П.Соибназаров Х.Холбўтаевни «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунни четлаб ўтган ҳолда вазифасидан озод этган. Шу ўринда эътиборни мазкур Қонуннинг 21-моддасига қаратайлик. Унда раис (оқсоқол)нинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш ҳоллари аниқ белгилаб қўйилган.

Ушбу Қонун талабларида йиғин раисини вазифасидан озод этиш ҳақидаги масала туман ҳокимининг ваколат доирасига кирмаслиги ҳам кўрсатилган. Йиғин раиси иш фаолияти даврида умуман интизомий жазога тортилмаган, ўз вазифасини сидқидил бажариб келган. Хўш, нега унда у айбсиз «айбдорга» айланди?

Шу йилнинг февралида «Ширин» қишлоқ фуқаролар йиғини йиғилиши бўлиб, унда ташкилий масала кўрилади. Яъни, фуқаролар йиғини раисини қайта сайлаш. Ишлаб турган раис тақдири, уни лавозимидан озод қилиш сабаблари, овозга қўйиш, қолаверса, йиғилиш ишчи раёсатини сайлаш, тасдиқлаш масаласи эътибордан фаромуш қилинган мажлис баёни билан танишар эканмиз, бағоят ажабландик. Баёнда «қишлоқ оқсоқолларидан, фаолларидан 68 вакил иштирок этди, Зомин туман ҳокими муовини Ғ.Юсупов қатнашди», дейилган. Аммо мажлис иштирокчилари рўйхати йўқ. Шу ўринда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг 18-моддаси 5-бандида қайд этилганидек, ҳокимлик фуқаролар йиғинини чақиришни иложи бўлмаган тақдирда фуқаролар вакилларининг йиғилишини ўтказиш учун вакиллик нормасини белгилаб бериши зарур эмасмиди? Бунинг устига йиғилишда масалани кўришга ваколатлилик бор-йўқлиги, йиғилишни очиш-очмаслик масаласи йиғилиш қатнашчилари ҳукмига ташланмаган. Юқоридаги Қонуннинг 3,18-моддаларидаги «Фуқаролар йиғини, фуқаролар йиғинида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган барча аҳолининг ярмидан кўпроғи ҳозир бўлган тақдирда ваколатлидир, фуқаролар йиғинини олиб бориш учун раёсат сайланади. Йиғинни фуқаролар йиғини раиси ёки раиснинг маслаҳатчиларидан бири олиб боради», деган кўрсатмалари қўпол равишда бузилган.

Энди февраль ойида йиғин раиси Х.Холбўтаев бошига тушган «кўргулик»ларга эътибор берайлик:

— туман ҳокимининг Х.Холбўтаевни ишдан бўшатиш ҳақидаги қарори 24 феврал куни чиқди;

— «Ширин» қишлоқ фуқаролар йиғини 22 феврал куни уни ишдан бўшатмасдан туриб, яна битта раисни — Равшанбек Назарқуловни сайлади.

— Йиғин раиси Х.Холбўтаев устидан туман ҳокимлигига ёзилган шикоятларнинг барчаси феврал ойида ёзилган, улар икки томчи сувдек бир-бирига ўхшайди.

Ишда йўл қўйган камчиликлари учун «Ширин» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси томонидан вазифасидан четлатилган иш юритувчи Бахтиёр Умаров қариндошлари ёрдамида ҳокимликка аризабозлик қилгани ҳам феврал ойига тўғри келади. Унинг ўзи ҳокимликка 15 февралда ариза ёзган бўлса, яқинлари Ўктам Зоировдан 2 феврал куни, Рисқул Ҳазратқуловдан 16 февралда, Абдубоқи Аҳмедовдан 17 феврал куни ҳокимликка шикоят хатлари келиб тушган. Ушбу аризаларнинг айримларини ҳокимликда рўйхатга ҳам олмасдан шошма-шошарлик билан 22 феврал куни йиғин мажлисининг чақирилиши ажабланарлидир?

Мана бу далилларга эътибор беринг: Ғ.Бекпўлатов, Р.Қўшматов, Х.Сафаров, Х.Гадоевлар шикоят хатини ўқимасдан имзо чекиб, хато қилиб қўйишганини, алданганларини ёзма равишда баён этишади. Фуқаро Х.Гадоев эса ҳеч қандай хатга имзо чекмаганлигини билдирди.

Қонун бузилишлари ҳақида тармоқ касаба уюшмаси вилоят қўмитаси Зомин туман ҳокими номига тақдимнома киритди. Кўп ўтмай ҳоким ўринбосари Ғ.Юсупов имзоси билан жавоб хати олинди. Уни айнан келтирамиз:

«Зомин туман ҳокимлиги Сизнинг 2000 йил 30 мартдаги 4-сонли хатингизда кўрсатилган камчиликлар асосида ўтган йиғилиш ўрганилганда «Ширин» қишлоқ фуқаролар йиғини котиби томонидан йиғилиш баённомасини расмийлаштиришда эътиборсизликка йўл қўйилганлиги аниқланди ва туман ҳокимининг фармойиши асосида «Ширин» қишлоқ фуқаролар йиғини котиби Ҳ.Шайқуловга ҳайфсан берилди».

Ҳоким ўринбосари Ғ.Юсупов.

Ушбу хатга илова қилиб туман ҳокимининг «Ширин» фуқаролар йиғини котиби Ҳ.Шайқуловга ҳайфсан эълон қилинганлиги ҳақида 17 апрелдаги 46-сонли фармойишини ҳамда қишлоқ фуқаролар йиғинининг 22 февралдаги №3-баёнининг янги таҳрири (тақдимномада кўрсатиб ўтилган барча қонун бузилишлари бартараф этилган ҳолда, албатта) юборилибди.

Хўш, туман ҳокими йиғин котибига ваколати доирасида бўлмаса-да, «ҳайфсан» эълон қилиб, ёпиғлиқ қозонни янада маҳкамроқ ёпишга уринганми, ёки... Нима бўлганда ҳам уйдаги гапни кўчага чиқармасликка уринишди. Аммо ишнинг миси аллақачон чиқиб бўлганди.

Инсонпарвар фуқаролик жамияти қурар эканмиз, бунда албатта қонун устувор бўлиши муҳимдир. Уни четлаб ўтишга уринган ҳар қандай киши ўзининг муносиб баҳосини олиши муқаррар. Зотан, адолатнинг қарор топишидан «Ширин» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилувчи кўпчилик аҳоли умидвор.

Таҳририят эса Жиззах вилоят ҳокимлигидан воқеага холис баҳо берилишини кутиб қолади.

**Алишер КАРИМОВ,**
**Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Жиззах вилоят қўмитаси раиси.**
**Абдуманноп АЗИМОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Ҳушёрликка даъват*

# «ХОЛИС ХИЗМАТ» ҚИММАТГА ТУШМАСМИКИН

***Президентимиз ўз маърузаларида халқимизни огоҳликка даъват этадилар. Дарҳақиқат, ҳушёр бўлмоқ, теварак-атрофга зийрак кўз билан қарамоқнинг замирида кўп маъно бор. Энг аввало, сизу бизнинг, барчамизнинг тинчлигимиз шунинг негизидадир.***

Яқинда Ички ишлар вазирлиги томонидан Тошкент вилояти ҳудудидаги бозорларга, кўп қаватли уйларнинг ён-атрофларига, шоҳбекатлар ва ҳатто автобус ичларига ҳам махсус тайёрланган қутича қўйилиб, фуқароларимизнинг ҳушёрлиги, синчковлиги синаб кўрилди. Бир нарса қувонарлики, аксарият жойларда кўпчилик фуқароларимиз бунга дарҳол эътибор қилиб, шубҳали қутидан атрофдагиларни огоҳ этишди ва бу ҳақда ички ишлар ходимларига ҳам мурожаат қилдилар.

Жумладан, яқинда Қибрай тумани ҳудудида «Қибрай-Тошкент» йўналиши бўйича қатновчи автобусга ана шундай қути қўйилди. Кузатувдаги автоулов ушбу автобусни туман ички ишлар бўлими олдида тўхташини қайд этди. Шу вақтда автобусни йўловчилар тезда тарк эта бошлайди. Тезкор ходимлар нима сабабдан автобус бу ерда тўхтаганини сўраганларида ҳайдовчи автобусга номаълум шахслар томонидан қути қўйиб кетилганини таъкидлади.

Ҳа, ҳушёрлик ҳайдовчининг воқеадан хабардор бўлишига имкон берди. Лекин айрим кишилар ҳамон лоқайд, теварак-атрофдаги воқеаларга бефарқ қарайдилар. Масалан, кўп қаватли уйнинг йўлига ҳам шартли қутича қўйиб кўрилганда кўпчиликнинг унга умуман эътибор қилмаганлиги, жойларда ҳали бу борада тарғибот ишлари яхши йўлга қўйилмаганлигидан далолат берди. Яна бир қутича Ойбек номли мактабнинг эшиги ёнига, кишилар гавжум жойга қўйилди. Аммо юқоридаги ҳолат яна такрорланди. Ёки шаҳримиздаги бинолар атрофи, одамлар гавжум жойларда ҳам синовлар ўтказилганида эътиборсизлик кузатилди.

Яна бир ҳолат ҳақида: тадбир пайтида ички ишлар ходимлари «Тошкент-Чирчиқ» йўналиши бўйича ҳаракатланаётган «ДАМАС» русумли автомашинани тўхтатиб, унинг ҳайдовчисига махсус қутичани Чирчиқ шаҳрига етказиб беришни сўрашади. Ҳайдовчи эса у нима эканлигини ҳам сўрамасдан уни машинасида олиб кетади. Йўлда машина тўхтатилиб, бу ҳақда сўралганида у «бу ишни холис хизмат ниятида» қилганини айтади.

Ҳа, одамгарчилик юзасидан кишиларга яхшилик қилишимиз мумкин. Лекин бу айрим нияти бузуқ, қабиҳ кишилар учун қўл келмаслигига ким кафолат беради?! Ачинарли томони шундаки, нохуш ҳоллар юз беришининг олдини олиш, халқимизнинг тинч яшаб хотиржам турмуш кечиришини таъминлашда махсус ўтказилган тадбир пайтида айрим кўп қаватли уйлар ва бошқа иншоотларнинг ертўлалари, томлари муҳофазасиз ётганлиги маълум бўлди. Демак, бундан мутасадди ташкилотлар, маҳалла фуқаролари йиғинларида бу борада ҳали кўп иш қилиниши лозим, деган хулоса чиқариш мумкин.

**Шерали АНВАРОВ,**
**ИИВ Матбуот маркази ходими.**

# ҚОҲИРАДА МИСР-ЎЗБЕКИСТОН ДЎСТЛИК ЖАМИЯТИ

Ўзбекистон билан Миср халқлари азалдан яқин алоқада бўлиб келган. Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг давлатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг янги босқичи бошланди. Айни пайтда мамлакатларимиз ҳамкорлиги деярли барча соҳаларда кўзга ташланмоқда. Икки халқнинг маданий алоқаларини янада кенгайтиришда Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий алоқалар дўстлик жамиятлари кенгаши қошида тузилган Ўзбекистон-Миср дўстлик жамиятининг хизмати ҳам катта бўлмоқда.

Куни кеча Миср Араб Республикасида Миср-Ўзбекистон дўстлик жамияти тузилди. Қоҳира университетида ушбу жамиятнинг таъсис мажлиси бўлиб ўтди. Мазкур университет ректори Нажиб ал-Ҳилолий Жавҳар жамиятнинг раиси этиб сайланди. Йиғилиш иштирокчилари, шунингдек, икки давлат ўртасидаги алоқаларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболи ҳақида ҳам фикр алмашди.

**(ЎзА)**

